



Defining the purpose of a speech and choosing a topic in sports journalism

Abdurahimova Nozimakhon Bahadirovna

University of Journalism and Mass Communications of Uzbekistan
Master's degree students

Fayziev Davron Ahmedjanovich

University of Journalism and Mass Communications of Uzbekistan
Master's degree students

ABSTRACT

At present, Uzbek sports journalism does not have manuals and books on the purpose of speech, and the purpose of this article is to find clarity in this area and to expand it. There is research and guidance in both national and foreign languages on the purpose of the speech and the choice of topic in other areas of journalism. They can see the strengths and weaknesses of their chosen path and correct them, but sports journalism is unforgivable. This is because the topics in sports journalism are always exciting, hot and emotional. When the purpose of the speech is not clear, the power to deliver sporting events to the listener is ineffective.

Keywords:

Uzbek sport journalism / Uzbek Sport / Sport Journalism / Speech in sport journalism

Шу пайтга қадар анъанавий кўринишдаги журналистика Медиа ва ахборот саводхонлиги (МАС)ни эътиборси зқолдирган ва яқин пайтга қадар журналистлар ўз фаолиятининг ягона вазифаси сифатида шунчаки жамоатчилик фикрини шакллантириш мақсадида репортаж тайёрлаш ва воқеаларни танқидий ёритиш, деб билган. Улар ўзини реал воқеялик ва томошабинлар ўртасида асосий воситачи сифатида тан олиб, телерадио- журналистика парадигмасида қулай ўрин эгаллаган холда, бошловчи (журналист) сифатида фаол, томошабинлар (фуқаролар)нинг эса пассив иштирокчи деб қабул қилган.

Уруғ унумдор тупроқсиз унмаганидек, оммавий ахборот воситалари ва ахборот соҳасида етарли саводхонликка эга бўлмаган фуқароларсиз самарали журналистика ривожланмайди, унинг бир қисмигина сукут сақласа ҳам, самаралиинсонлараро мулоқотга эришиб бўлмайди. Кўп йиллар аввал, ҳам африкалик

ҳам европалик бўлган журналист ҳамда адабиёт соҳасида Нобель мукофоти совриндори Альберт Камю журналистика сифатига нисбатан учта талабни белгилаган: 1) шошмасдан ва ҳовлиқмасдан пухта маълумот бериш; 2) манбаи ва мақсади ҳар доим ҳам аниқ бўлмаган маълумотларни кузатувлар оркали аниқлаш ва шу тариқа уларни тушунишга ҳисса қўшиш; 3) аҳолининг «танқидий ёндашувини муҳофаза қилиш» мақсадида ахборот усуллари, методлари ва стратегиялари ҳақида маълумот бериб бориш. Шу тариқа, avant la letter, Камю шаффофликка эришиш, ўз аудиториясининг танқидий компетенциясини шакллантириш ҳамда МАСни тарғиб қилиш учун журналистикага эҳтиёж борлигига эътибор қаратди.

Introduction- Оммавий нутқ билан чиқадиган нотикларда нутқ режаси. Режада асосий фикрлар. Ҳар бир асосий фикр бош ҳарф билан ёзилади. Режада таҳлил, танлаш ва тақсимлаш масаласи. Эй фарзанд, агар сен

хар кандай нотик булсанг хам, узингни билганлардан пастрок тутгин, токи суз билимдонлиги вактида бекор булиб колмагайсан...

Одамлар турт хил булганидек, суз хам турт хил булгай:

Бири, билинмайтургон ва айтилмайтиргон, яъни айтишга заруратсиз булгон сузлар; иккинчиси, айтилатургон ва билинатургон: бундай сузларга ибратомуз ва айтса буладиган сузларни киритиш мумкин. Масалан, одоб-ахлоқ, насихат тарзида айтилган сузлар: учинчиси, хам биланутргон ва хам билишга заруратсиз, аммо айтса булатургон, туртинчиси, биланутргон аммо уйтилмайтургон ва билинмайтургон ундай суздирки,... дунёнинг салохи унга. Богликдир. Ул суздан айтгувчига хам, эшитгувчига хам куп наф етар...

Кишининг мартабаси сузи билан бирладур, аммо сузнинг мартабасини киши билан билмаслар, чунки хар кишининг ахволи ундан чикадиган сузнинг остига яширингандир, яъни бир сузни бир ибора билан айтса, эшитган одамнинг кунгли ундан хижолат тортгай ва яна уша дсузни бир ибора билан айтса, эшитган одамнинг жони ундан рохатланади **Kaykovus, «Qobusnoma»dan.**

Тилнинг барча мавжуд воситалари ва улар имкониятларидан максадга мувофик тарзда уринли тугри фойдаланилган холда тузилган нутк маданий нуткдир. Нутк маданияти эса ана шу тилни – алока аралашув куролини ишлатишига булган муносабатдир. Бу ноёб куролни ишлатишга булган муносабат канчалик ёмон булса, уни ишлатишга канчалик бефарклик билан каралса, нуткнинг маданийлик даражаси хам шунчалик паст булади ва аксинча, муносабат канчалик юкори булса, нутк хам алока хам, шунчалик маданий булади. Нутк маданияти тилни, унинг конун коидаларини онгли идрок этиш, аник, равшан, ифодали нутк туза олиш махорати, тилнинг ифодавий воситаларидан мазмун ва услубга кура нуткий вазиятга караб уринли фойдалана билишдир.

Нуткда тилнинг ранг баранг унсурлари ва имкониятларидан усталик билан

фойдаланиш оркали нуткнинг таъсирчанлиги, тугрилиги хамда кизикарлигини таъминлаш нутк бойлигига боглик.

Nutq_madaniyati_va_davlat_tilida_ish_yuritish_N_Mahmudov,_A_Rafiyev. Toshkent – 2013

Спорт лойиҳалари. Мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ спорт соҳасига катта эътибор қаратилди. 1992 йил 14 январь куни Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши спортни ривожлантириш бўйича халқаро ҳамкорликка кенг йўл очди. Бунинг натижасида Ўзбекистонлик спортчилар халқаромусобақаларда муносиб қатнашиб, мунтазам равишда совринли ўринларни эгаллаб келмоқдалар. Ўзбекистон халқаро спорт мусобақаларига мезбонлик қилмоқда, шунингдек, миллий спорт лойиҳалари амалга оширилмоқда. Теннис бўйича Президент кубоги мусобақаларига асос солиниши, миллий кураш спорт турининг халқаро Олимпиада турларига қўшилишини режалаштириш халқаро миқёсда мамлакат нуфузини оширишда энг катта аҳамият касб этган лойиҳалардан бўлди. Спорт халқлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни кучайтиришга, дунё мамлакатлари фуқароларини жипслаштиришга, долзарб ижтимоий ва сиёсий муаммоларга жаҳон ҳамжамияти эътиборини қаратиши ҳеч кимга сир эмас. Ўзбекистон ҳам шу принципларга риоя этган ҳолда спорт лойиҳаларидан янада кенгроқ мақсадларда фойдаланади. Шу ўринда спортнинг халқаро ҳамкорлик ва халқлар дўстлигига қўшаётган беқиёс ҳиссасини яққол кўрсатиб берувчи бир мисолни келтириб ўтиш мумкин. Япон халқи бошига оғир кулфат тушгани дунёдаги барча етакчи ОАВда ёритилди. Қудратли зилзила натижасида ларзага келган денгиз тўлқинлари ҳалокатли цунамини келтириб чиқарди. Бунинг оқибатида ўн минглаб фуқаролар нобуд бўлди, кўплаб шаҳарлар бутунлай вайрон бўлди, мамлакат инфраструктураси издан чиқди. Шу сабабдан 2011 йил бошига мўлжалланган U21 ёш категориясидаги Япония ва Ўзбекистон терма жамоалари



ўртасида белгиланган икки раундли қарама-қаршилиқнинг биринчи учрашувини Японияда ўтказишнинг имконияти бўлмади. Учрашувлар Тошкентда, “Пахтакор” ўйингоҳида ўтказилди. Учрашув натижаси эса барча учун иккинчи даражали бўлиб қолди. Ўйин арафасида япон халқини қўллаб-қувватлаш мақсадида стадионда тўпланган минглаб ўзбекистонлик спорт ишқибозлари Япония байроғини бошлари узра кўтарди. “With you, Japan” деб ёзилган плакатлар намоиш этилди. Учрашувдан кейин ўтказилган матбуот анжуманида Япония вакиллари ўзбек халқига самимий миннатдорчилик билдирдилар. Шундай қилиб, спорт ёрдамида (“Спорт” телеканаллари, 2011 йил 21 март, кечки дастур. www.gov.uz)

Ўзбекистон ва Япония халқлари ўртасидаги дўстлик ришталари янада мустақамланди. Спорт Журналистика — бу шундай фаолиятки, унинг вазифаси атрофимизда содир бўлаётган янгиликлар оқимидан муҳим, аҳамиятли бўлган нарсаларни танлаш, одамлар нима ҳақида сўзлаётгани, нима ҳақида ташвишланаётганини ёритиб беришдан иборат. Яъни ушбу пайтда долзарб бўлган, муҳими — янгилик ҳисобланган нарсаларни танлаш.22 Журналистнинг асосий вазифаси долзарб ижтимоий янгиликни профессионал тўплаш, қайта ишлаш ва тарқатишдан иборат.

Бошловчи журналистлар учун қўлланмада айнан ушбу таъриф келтирилган. Бу фаолият турининг асосини ҳар доим фактлар — ҳужжатли асос ташкил этган. Спорт Журналист ўзининг иш кунини, ижодий жараёни айнан манбалар ва фактлар устида ишлашдан бошлайди ва бу жараёнда медиаахборот саводхонлиги тушунчаларига дуч келади ҳамда унинг профессионал ваколати меҳнатининг якуний маҳсулига таъсир кўрсатади. Айнан манбалар билан ишлай олиш кўникмалари, фактларга ишлов бериш, олинган материални таҳлил қилиш ва танқидий баҳолай олиш лаёқатининг мавжудлиги ижод маҳсулининг тўлақонли ва

профессионал тузилишига таъсир кўрсатади. Ахборот тўплаш устида ишлар экан, журналист учун биринчи даражали масалаолинган материалнинг ҳаққонийлигига ишонч ҳосил қилишдан иборат бўлади. Бу ўринда шуни ёдда тутиш зарурки, “фактларнинг ҳаққонийлиги мутахассисларнинг саводли фикрлари, шарҳлари билан тасдиқланади, далиллар ва исботлар билан мустақамланади. Айнан ушбу санаб ўтилган характеристикалар журналистларнинг ахборотини аҳамияти камроқ бўлган, ахборот сабаби сустёки умуман бўлмаган бошқа хабарлардан ажратиб туради. Ижодий жараён босқичлари ҳақида сўз кетганда шуни таъкидлаш керакки, биринчи навбатда, биз мавзунини танлаш ҳақида ўйлаймиз. **Мавзу** — бу журналистик материалнинг асосий жиҳатидир. Одатда, у сиз қайси нашр учун ёзаётганингиздан келиб чиқиб шакллантирилади. Масалан, ҳуқуқий нашр учун тегишли йўналишдаги мавзулар танланади, ёшлар, сиёсий, таълим йўналишидаги нашрлар ва бошқа нашрлар ҳам ОАВ форматига мос келадиган мавзулар борлигини назарда тутлади. Танланган мавзунини турли жиҳатлардан кўриб чиқиш мумкин бўлса, материалнинг ғояси ҳақида фикр юритиш керак. Ғоя, назариётчи олимларнинг фикрича, “бу муаллифлик нуқтаи назарининг ифодаланиши, мен бу материални нима учун ёзаяман, деган саволга жавоб”. Материал ким учун ва нима сабабдан ёзилаётгани/ тайёрланаётганини тушуниш муҳим. Бу саволга жавоб топгач ишни давом эттириш, материаллар, фактлар, шарҳлар, далиллар ва ҳ.к. ларни тўплай бошлаш мумкин. Фактлар журналист матнни ёзишга киришишидан анча аввал тўпланиб боради. Кўп сонли манбаларни, ОАВ материалларини, мавзуга оид мақолаларни ўрганиш ва ҳ.к. натижасида журналистнинг хаёлида воқеа, ҳодиса манзараси, ёритилиши керак бўлган мавзулар шаклланиб боради. <https://en.unesco.org/sites/default/files/uzbek.pdf>

Мавзу танлашда мақсадни аниқлаш



Хеч каерда учрмаган ёки жамиятнинг кизиқишларидан ташкил топган, уларни узига чорловчи Ном аниқлаш. Шу номни кенг ёритиш ва албатта мавхумийлик саклаш шарт.

Ном аниқ ва тушунарли булиши, шу билан бирга сирли булиши лозим.

Ном танлаётганда аввалги шу ном остидаги барча материалларни куздан кечириш, уларнинг афзалликлари ва камчиликларини аниқлаш ундан кейингина уз материални тайёрлаши мумкин.

Мавзунинг аудитория учун муҳимлиги бу энг долзарб масала, яъни мавзунинг долзарблиги аудиториянинг кизиқиш ва шу жараён учун ахамиятлидир.

Жараён учун таклиф килинган спортчи ёки команда ёки мураббийнинг шахсий имкониятлари, уларнинг иш жараёнига салбий таъсирини йуклиги ҳам алоҳида инобатга олиниши зарур.

Мавзу буйича тайёрланган спорт тури, спортчи, мураббий ёки команданинг аудитория учун ахамиятлилик даражасини аниқлаш. Аудиторияни жалб кила оладиган асосий белгиси.

Тайёр булган барча материалларни сценарийсини, «склетини» яратиб олиш. Бериладиган саволларни тайёрлаб олиш. Шу саволларни олдин берилган берилмагани, уларни нафсониятини, шахсиятини химоя

килган ҳолатда, мавудан четлашмаган вазиятда (агар узи хоҳласа мумкин) тайёрлаши керак.

BBC Radio5Live спорт шарҳловчиси Konnor MacNamara бу борада уз маслаҳатларини бериб утган.

1- Амалиёт. Амалиётчалик хеч нарса шарҳловчи булишингизга ёрдам бермайди:

Нуфузи хамда, ахамиятга эга булмаган тадбирларда иштирок этаверинг, ва узингиз учун шарҳлаб боринг, фарқини шундагина сезасиз

2- Хар бир спорт турининг факт ва статистикасини ёдлаб юринг. Бу сизга жонли эфирларда энг ас котадиган усуллардан. «Агар кимдир радиода гапираётган булса ва унинг интонацияси баланд булса ёки нима деяётганига ишончи комил булмаса хеч кимни сузларига ишонтира олмайди». Янгиликлар билан сиз хеч қачон нима содир булишини билмайсиз. Лекин факт ва статистикаларингиз ёрдамида содир булаётган воқеа ходисаларни универсал қуринишга узгартириб юборишингиз мумкин»

3- Бирор бир қарор низом ёки қонунларни айтишга шошилманг улар узгарувчандир. Аниқ билим

булмаса, хеч качон гапирмаслик хар качонгидан афзалдир.

Спорт журналистикасини дунёдаги энг жозибали ишлардан бири деб билишади. Аммо спорт майдонида нима булаётганини тахлил килиш кундалик хаётимизни тасвирлашдан кура купрок маъсулиятни талаб этади.

Майдондаги вазиятга кура овоз ва услубни узгартира олиши, тез фикрлаши шу билан бирга гапира туриб, кузи билан спортчиларни кузатиши, ва кейинги жумлаларини кетма кетлигини хаёлан териб чиқиши керак. Агар спорт журналисти тангалаган спорт мавзусида билимга эга эмас экан, у журналистика козонида кайнаши амри махол.

Кутилмаган ёки мураккаб кадрларни изохлаш керак булади. Агар экранда сухбатдошлар хаяжонланиб, кизишиб, кетсалар, томошабинга бунинг сабабини изохлаб бериш керак. Экранда эркак киши нимадан кувониб кулиб юборди? Бола нима учун йеглябди? Агар экранда ногиронлар аравачасида утирган полициячи пайдо булиб колса, у кандай ногирон булганини айтиб куймасангиз томошабинлар бу хақда уйланиб, сюжетга эътибори камайиб колиши мумкин. Негаки, ногирон полициячи ам учрайдиган ходиса. Мухбир кадр ортидан бу хақда изоҳ беради, томошабинларнинг диккатини сюжет мавзудан чикармай туради.

Кўрамизки, тасвир-овоз-нутқ учлиги ҳам ўзига хос мураккаб комплекс системадир, унинг хар бир элементи журналист ва аудитория ўртасида максимал даражадаги самарали коммуникацияни таъминлашга қаратилган. Бизнинг вазифамиз – ушбу учлик таркибидаги нутқнинг ролини тахлил қилиш ва коммуникация муваффақиятли бўлишида қайси услубнинг аҳамияти катталигини кўрсатиб беришдир. Бунда телебошловчилар нутқининг просодик хусусиятларини аниқ телевизион нутқнинг коммуни-катив вазифаларидан, телеканал форматидан, дастур жанри, унинг аудиовизуаллигидан келиб чиққан ҳолда ўрганиб чиқамиз. Телевизион нутқнинг

тузилишига экстралингвистик омиллар таъсириник ўришимиз мумкин. Экстралингвистик омиллар теленутқ реализацияси учун шарт-шароитни яратувчи тилдан ташқари конситуацияни ҳам белгилайди. Бунда экстралингвистик характеристика чегарадош, бир-бирига яқин фанлар, масалан, мантиқ, психология томонидан ўрганиладиган қатор шартшароитлар асосида шакллантирилади. Биз реал нутқий коммуникация жараёнини ўрганар эканмиз, фақат психологларнинг эътибор объекти бўлган нутқнинг ҳосил бўлиш жараёнини кўриб чиқмаймиз, аммо, сўзловчи (эшитувчи) ва ёзувчи (ўқувчи)нинг характеристикасини ҳисобга оламиз, булар эса хар бир аниқ нутқ актида ахборотнинг ташувчиси ва қабул қилувчиси ҳисобланади. Ёзма матннинг овозлаштирилган варианты бўлган матн билан нутқ моменти бирдан пайдо бўладиган, олдиндан ёзма равишда тайёрлаб қўйилмаган матн орасидаги фарққа эътибор бермаслиги мумкин эмас. Маълум ва машҳур нотиклар, дикторлар, актёрларнинг янграган нутқини тўлиқ ва хар томонлама ўрганиб, матннинг ритмик-интонацион структураси унинг функционал-стилистик хусусиятларига катта таъсир кўрсатишини кўриш мумкин. Янграган нутқни бир бутунликда кузатиб, уни турли услублар: расмий-идоравий, илмий, публицистик ва бадий (бадий матнларни прозаик ва сўзлашувга ажратган ҳолда) услубларда намоён бўлишини биламиз. Маълумки, телевизион каналлар орқали фақат овозли ёки шовқинли тасвирлар, мусиқа эмас, балки инсоннинг жонли овози – нутқи ҳам узатилади. Телевидениенинг бошқа ОАВдан афзаллиги ҳам шундаки, у янграётган нутқ ва у орқали намоён бўлаётган нотик образини бирлаштиради. Телевидениеда жонли сўз билан аудиторияга мурожаат қилинади. У бирдан пайдо бўлади ва етук фикрни ифодалайди. Бу нотик, суҳандон, шарҳловчи ёки донишманд кишининг сўзидир. Теленутқни бутунликда ва, хусусан, унинг просодик ташкил этувчиларини ўрганишда куйидагиларга асосланиш лозим.

Телекоммуникация учун фикрларнинг тил шакллари дискурсида ифодаланишигина эмас, балки дискурсида баҳолаш, коммуникантларнинг шахсий ва ижтимоий характеристикалари, уларнинг фан билимлари акс этиши, коммуникатив соҳа ва ижтимоий вазият яширин пинҳоний бўлиши муҳим аҳамият касб этади. Айтиш мумкинки, коммуникантларнинг (адресант ва адресатнинг) ижтимоий ва шахсий характеристикалари, мулоқот ўтаётган бевосита шарт-шароитлар нутқнинг муайян типини тақазо қилади, демак, просодик эталон танловини белгилайди. Телеэкранда янграётган нутқни таҳлил этишда “айни пайтда индивидга таъсир кўрсатаётган шарт-шароитлар жамини”, албатта, ҳисобга олиш зарур. Муҳими, тележурналист нутқининг мулоқот вазиятига қараб просодик характеристикаларнинг ўзгариши, интонацион бирликларни танлаш ва бириктириш принциплари, уларнинг амал қилиш қонуниятларини аниқлашдир. Бакиева Г., Тешабаева Д. Оммавий ахборот воситалари тили Журналистлар учун ўқув қўлланма. – Тошкент.: 2019..

Хулоса қилиб айтадиган булсак, спорт журналистиканинг асосий кучи, аввало унинг ишончилиги ҳамда исботлилиги билан белгиланади. Спорт журналист учун у қандай жанрда ёзмасин уч асос жуда муҳим. Булар: мавзу, факт ҳамда фикрдир.

Мавзу— муаллиф томонидан асар ёзиш учун танланган ҳаётий ҳодиса ёки муаммога асосланган ғоявий ёндашувидир. У асарда акс этадиган ҳаётий воқеликни тадқиқ этиш, тасвирлаш доираси. Оддий қилиб айтганда воқеага тегишли маъно, моҳият. Рус олимаси С. Лазутина қисқача қилиб, мавзу - асар нима ҳақида эканлигини, ғоя – бу ҳақда муаллиф нима демоқчилигини кўрсатувчи тушунчалардир, деб айтади. Дарҳақиқат, спорт журналисти ахборот излаш ва тўплашга киришишдан олдин мавзу танлайди. Танлов ҳар доим жамоатчиликнинг эътиборини тортадиган, унинг эҳтиёжлари, ҳаётий воқеаларга тааллуқли қарама-қаршиликларга аниқлик киритиш ва тушунтиришда спорт журналистнинг аралашувини талаб

этадиган масалаларга қараб белгиланади. Жамоатчилик аҳамиятига молик мавзуни аниқ белгилаш нафақат ҳар бир журналистнинг профессионал маҳоратини, балки у ишлаётган газета ёки бошқа ОАВнинг ҳам мавқини белгилайди. Ҳар қандай мавзу эса ўз аудиториясини шакллантиради. Кўпинча талабалар ёзишга мавзу тополмасликдан қийналишлари ҳақида айтишади. Гўё ёзилмаган мавзу қолмагандай. Аммо ёзмоқчи бўлган ҳаваскор учун ҳаётда содир-бўлаётган ҳар қандай воқеа-ҳодиса мавзу родини ўташи мумкин. Фақат бунинг учун у ижтимоий аҳамиятга эга бўлиши, яъни кўпчиликка тааллуқли бўлиши зарур. Айримлар катта-катта мавзуларга қўл

уришга урадилари кейин уни очиб бера олмай қийналадилар ёки мавзунинг ичига ғарқ бўлиб йўлини йўқотадилар. Шунинг учун танланадиган мавзуда бутун воқеликни қамраб олиши шарт эмас, балки унинг бир жиҳатини, ҳолатини очиб бериш мақсадга мувофиқдир. Яъни мавзу қанчалик тор олинса, шунчалик кенг очиб берилади. Масалан, жиноятчиликнинг ўзини ҳодиса сифатида олмай балки – жиноятчиликнинг сабаблари, фақат сабаблар эмас, социал-психологик табиатини ўрганиш назаримизда мавзуни

аниқлаштиришда муҳимроқ ҳисобланади. Шундай қилиб мавзу бу — муаллифнинг томонидан тадқиқ қилишга танланган муайян бир ҳодисага бўлган муносабати ҳақидаги асосий фикрдир. Мавзу – сўз сифатида кенг маъно касб этиб, турли томонлар ва чегараларга эга бир бутун объект сифатида тасаввур уйғотади. Масалан, журналист таҳририят топшириғи билан ёритиши керак бўлган объектга, айтайлик, математика бўйича мактаб ўқувчилар ўртасида бўлаётган халқаро фан олимпиадасини ёритишга кетди. У ерда турли хил ОАВдан ўзига ўхшаган журналистлар, ҳамкасблари ҳам борган. Уларнинг ҳаммаси гўё битта мавзуни ёритадиган бўлиб кўради. Аммо иштирок этаётган ҳар бир журналист ўзининг таҳририяти топшириғи ва йўналишидан келиб чиқиб фаолият олиб боради. Кимдир

олимпиаданинг очилишини ёритиш, кимдир ташкилотчилардан бири билан суҳбат қилиш, кимдир тадбирнинг бориши тўғрисида репортаж тайёрлаш каби вазифаларни бажариш топширилган. Булар объектнинг саноксиз томонларидир. Аммо унга журналистнинг эътибори, ўзи танлаган мавзу алоҳида ва уни ёритиш предмети турличадир. Мана шунда айнан мавзу предмет сингари муайян жанр орқали ифода этилади. Мавзу танлашда журналист учун эркинлик объект ичидан (—катта мавзу) аниқ мавзунини мустақил танлай олишдир. Буни тадқиқотчи Шибаева шундай мисол билан исботлашга уринади : —Бизнинг давримизнинг энг долзарб муаммолардан бири бўлган – қаровсиз болалар мавзусини ёритиш ҳақида ўйлаб кўрайлик. Вазифа – қаровсиз болалар билан ишлаш бўйича юқори натижаларга эришган педагогнинг улар ҳақидаги фикрларини билиш. Бизга керак одам анчагина обрўли, демек жанр – интервью зарур бўлади. Қўллайдиган метод: саволларни тузиш ва суҳбатлашиш.

Ким билан суҳбатлашиш керак? Афсуски, бу борада юқори натижаларга эришган педагоглар жуда кам. Борлари ҳам ҳаммининг кўз ўнгиди, чунки улар ҳақида аллақачон ёзишган, кўрсатишган, суҳбатлашишган ҳам. Бошқа —йўлларни қидирамиз. Милиция формасидаги педагогми ёки руҳонийми? Балки хорижлик машҳурлар Етиб бориш қийин. Айтишларича, чет элда болалар тарбияси бўйича ҳали ҳам Макаренко тажрибасини ўрганишар экан, ҳатто кўпчиликка замонавий ҳаётимизга мос қимматли маслаҳатлар қўл

келган эмиш. Шундай экан нега биз оғриқли саволларимизни Антон Семеновичга бермаймиз? Тўғри у аллақачон вафот этган, аммо унинг бир неча томлик мақолалари, маърузалари, хатлари ва ҳатто «Педагогик поэма»си қолганку?! У ерда нафақат социалистик тарбия, балки бизнинг саволларимизга ҳам жавоб топилар. Қадрли ўқувчи бундаги янгилик ҳам, фойда ҳам, қаноатланиш ҳам мавзунинг кутилмаган қарори туфайлидир. Шундай қилиб

вазифанинг бажариш йўллари ўшандай – интервью, савол бериш ва жавоб олишдан иборат. Аммо у муаллифнинг ўзига хос —юриши ҳужжатларни (адабий) ўрганиш орқали бажариш йўлидир.

Спорт журналистикада мавзу билан бирга ёзилажак журналистик асарнинг концепцияси ҳам жуда муҳим. Журналист мавзунини топган бўлса-ю, уни ёритишга бағишланган муайян режа, хатти-ҳаракат, мақсад ва вазифалар бўлмасачи, умуман мавзу танланган у ишни нимадан бошлайди, нимани ўрганади ва бу қандай самара беради, қандай натижага олиб келад. Рус публицисти В.Аграновскийнинг фикрича, агар мавзу – у муаллифнинг содир бўлган воқеликка нисбатан билдирадиган муносабати, фикрлар миқдори, бўлса, концепция ҳам худди шу фикрлар миқдори, фақат тизимга, тартибга солингани, яъни бўлғуси асарининг модели, қурилмаси ҳисобланади. —Концепция – ёшга нисбатан мавзунинг синглиси,-деб ёзади публицист,- чунки у мавзудан кейин туғилади, моҳиятан, асосланиши жиҳатидан эса опаси. Мавзунини исботсиз шаклга солиш мумкин, концепцияга эса асос, исбот керак бўлади. Ўй-қарашдан мавзуга қадар ярим қадам, концепциягача эса

бутун қадам (Валерий Аграновский. Вторая Древнейшая. Беседы о журналистике.

М., Изд. «ВАГРИУС», 1999. С.23) Баъзан фараз билан мавзу бир пайтнинг ўзида туғилиш мумкин. Шундай пайтда журналист белгиланган мавзунини ўзининг фаразлари орқали тасаввур этиши, уни амалга ошириш йўллари ҳақида ўйлаши ва манбалар устида бош қотириши зарур. Аммо кўпинча фараз фақат мавзунини ҳис қилиш бўлиши ёки ўй-хаёл амалга ошмай қолиши ҳам мумкин. Бу ҳам вақт ва тажриба билан боғлиқ жараёнлар. Айрим ҳолларда ёзмоқчи бўлган мавзу хаёлдан ўтадию, эсдан чиқади. Демек уни ёзишга зарур бўлган вазият, жараёнлар ҳали етарли даражада ўрганилмаган. Шу нуқтаи назардан

замонавий журналистиканинг олдида турган вазифалари, қатор маҳоратли журналистларнинг тажрибаларига таяниб

айтиш мумкинки, концепция мақола учун материаллар тўплангандан кейин эмас, унга қадар ишлаб чиқилиши керак.

Фикр мавзудан олинади деган қараш мавжуд. Аслида ҳам шундайми? Бу журналистика маҳоратидаги чуқур илмий асос талаб қиладиган масала. «Фикр – публицистиканинг негизи. Яхши ёзадиган одам яхши ёзмайди, яхши фикрлайдиган одам яхши ёзади.» спорт тури ҳақида кўтаринкилик билан ёзмоқчи бўладию, ўхшамайди. Бировнинг гапини такрор ёзаётгандай тасаввур уйғотади. Чунки мавзу аниқ эмас. Спорт, Футбол, Майдон, Жамоалар катта мавзулар ҳисобланади. Унинг ҳар биридан ўнлаб мавзулар қилиш мумкин. Ва албатта уни бирор бир муҳим ҳаётий вазият билан боғлаш зарур. Вазият ёки бўлиб ўтган воқеадан ҳаётий талаб этилса, журналист уни исботлаши учун муайян асосга таяниши керак.

Ана шу нарса - манбадир, маълумотдир. Қандай манбалар фикрни уйғотиши мумкин? В.Аграновский унинг иккита турини кўрсатади. Биринчиси — журналистнинг ўзига хос ижтимоий тажрибаси, маълумотлар йиғиндисидир, яъни унинг билимидир. Иккинчиси эса— фикрнинг пайдо бўлишига туртки берадиган фактнинг ўзидир. —ТАҲЛИЛИЙ ЖУРНАЛИСТИКА||

фил.фан.ном.Н.Тошпўлатова ТОШКЕНТ—2014 йил

References

1. www.lex.uz
2. en.unesco.org/sites/default/files/uzbek.pdf
3. “Nutq madaniyati va davlat tilida ish uritish” N_Mahmudov, A_Rafiyev. Toshkent – 2013
4. (“Спорт” телеканаллари, 2011 йил 21 март, кечки дастур. www.gov.uz)
5. Бакиева_Г_, Тешабаева_Д «Оммавий ахборот воситалари тили» Журналистлар учун ўқув қўлланма. Тошкент 2019..
6. (Валерий Аграновский. Вторая Древнейшая. “Беседы о журналистике”. М., Изд. «ВАГРИУС», 1999. С.23)

7. И.Тошалиев, Р.Абдусатторов “Оммавий ахборотнинг тили ва услуги” Т.-2006
8. Аҳмаджон Мелибоев “Журналистика: касб, ижод, маҳорат” 2015-й.
9. ТАҲЛИЛИЙ ЖУРНАЛИСТИКА|| фил.фан.ном.Н.Тошпўлатова ТОШКЕНТ—2014
10. https://careerhq.com.au/careers-database/job_details/462/sports-commentator
11. <https://careers-in-sport.co.uk/news-articles/the-art-of-football-commentary-3-tips/>
<https://www.studocu.com/en-nz/document/massey-university/language-and-communication/sports-commentaries/7268295>
12. <https://work.chron.com/skills-sports-commentator-21876.html>
13. <https://m.youtube.com/watch?v=Wrijn6FEtCw&feature=youtu.be>